

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD 03/30.12. 2019. Tar.02.10
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЧЎТМАТОВ ЖЎРАБЕК ОМОНОВИЧ

**VII-IX АСРЛАРДА ТЕРМИЗ МАЪНАВИЙ МУҲИТИ ТАРИХИ:
АНЪАНАЛАР, ТАДРИЖ ВА ЯНГИЛАНИШ**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

07.00.08 – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата доктора философии (PhD)

Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Чўтматов Жўрабек Омонович

VII-IX асрлар Термиз маънавий муҳити тарихи: анъаналар, тадриж ва янгилаштириш (07.00.01, 07.00.08) 3

Чутматов Журабек Аманович

История духовной среды Термеза в VII-IX веках: традиции, эволюция и возрождения 21

Chutmatov Jurabek Omonovich

The history of the spiritual environment of Termez in the VII-IX centuries: traditions, evolution and revival 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD 03/30.12. 2019. Tar.02.10
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЧЎТМАТОВ ЖЎРАБЕК ОМОНОВИЧ

**VII-IX АСРЛАРДА ТЕРМИЗ МАЪНАВИЙ МУҲИТИ ТАРИХИ:
АНЪАНАЛАР, ТАДРИЖ ВА ЯНГИЛАНИШ**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

07.00.08 – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.PhD/Tag405 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<http://www.samdu.uz>) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шайдуллаев Шапулат Базарович
тарих фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Зиёдов Шовосил Юнусович
тарих фанлари номзоди, доцент

Отахўжаев Азамхўжа Музаффарович
тарих фанлари доктори, катта илмий ходим


Етакчи ташкилот:

Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD 03/30.12. 2019. Tag.02.10 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2020 йил «30.11» соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (99866) 239-11-40, (99866) 239-18-92; Факс: (99866) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй). Тел: (99866) 239-11-40, (99866) 239-18-92; факс: (99866) 239-11-40).

Диссертация автореферати 2020 йил «17.11» кунинда тарқатилди.
(2020 йил «__» __ даги ___ рақамли реестр баённомаси)



M.M. Isoqov

Исҳоков М.М.

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тарих ф.д., профессор

Г.Б. Нормуронова

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш котиби, тарих ф.д.

И.М. Саидов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тарих ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XXI аср жаҳон ғоявий курашлар майдони инсоният тарихида мисли кўрилмаган даражага етгани туфайли ҳар бир халқнинг миллий қиёфаси ва ўзлигини сақлаб қолиши, бунинг учун эса тарихий илдизларни теран англаш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон қадимдан ҳозиргача дунё цивилизациялари ривожини тарихида ўз ўрнига эга бўлиб, айниқса ислом цивилизациясининг ривожини етакчи ўринлардан бирида туради. Бу борада Термиз шаҳрининг жаҳон тарихи ва маданиятида тутган ўрни алоҳида эътироф этилиб, 1999 йил ЮНЕСКО Бош конференцияси 30-сессиясида шаҳарнинг 2500 йиллигини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилиниши ва 2002 йилда дунё миқёсида кенг нишонланиши бунинг ёрқин далилидир.

Марказий Осиё минтақасида Термизнинг ўзига хос стратегик ўрни– унинг буюк йўллар чорраҳасида жойлашганлиги билан ажралиб туради. Термизда исломгача динлараро бағрикенглик муносабатлари қарор топган бўлса, кейин кириб келган ислом дини эса жаҳон цивилизацияси тарихида туб бурилиш ясади. Бу маънавий акс-садо Марказий Осиёда ислом илмининг шаклланишига таъсир кўрсатган ва бу жараёнда Термиз илк ғоявий марказ вазифасини ўтаган. VII-IX асрларда Термизда шаклланган маънавий муҳит Марказий Осиё тараққиётининг турли жабҳаларига катта таъсир кўрсатган. Бу борада Ўзбекистоннинг исломий мероси ўз қиймати бўйича жаҳон миқёсида етакчи ўринлардан бирида турганлиги боис, дунёнинг бир қатор марказларида¹ ислом тарихида Термиз маънавий муҳитининг ўрнига қаратилган илмий лойиҳалар устида тадқиқотлар олиб борилаётгани эътиборга лойиқ.

«Ўзбекистон исломий маданияти ноёб меросига эга ва Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Абу Райҳон Беруний, Имом ал-Мотуридий ва бошқа буюк арбобларнинг номлари нафақат мусулмон мамлакатлари, балки бутун дунёга яхши таниш»². Дарҳақиқат, Ўзбекистон бой диний-маънавий меросининг ислом цивилизациясига кўшган ҳиссасини ўрганиш ва оммалаштириш мақсадида, истиқлол даврида республикада тафсир, ҳадис, фикҳ, калом илми ва тасаввуф мактаблари, Имом Бухорий ва Имом Термизий номли халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ўзбекистон ислом цивилизацияси маркази, Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолиятларининг кенг ривожлантирилиши, бу соҳа тарихини ҳам чуқур тадқиқ этишга асос беради. Шу ўринда, VII-IX асрларда Термиз маънавий муҳити тарихи, унинг анъаналари, тадрижий босқичлари ва янгилиниш ҳолатини изчил асосда ўрганиш диссертациянинг фан соҳасидаги заруратини кўрсатади.

¹ IRCICA- Ислом тарихи, санъати ва маданияти тадқиқот маркази, <https://www.ircica.org>; CESS – Марказий Осиё тадқиқотлар жамияти, <https://www.centraleurasia.org>; ESCAS – Марказий Осиё тадқиқотлари бўйича Европа жамияти, <http://www.escas.org/about-escas>; ИАС - Халқаро Осиё тадқиқотлар институти, <https://www.ias.asia>.

² [Электрон ресурс:] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясидаги нутқи. <https://www.bbc.com/uzbek/uzbekistan>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 23 июнидаги ПҚ-3080-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги № ПҚ-2774 «Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ҳамда бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. VII-IX асрларда яшаб, ижод этган Термизийлар мероси тадқиқи доирасида Термизийларни алоҳида ўрганиш йўналиши илм-фандаги етакчи соҳалардан бири сифатида шаклланган. Ушбу йўналишда яратилган тадқиқотларни ҳудудий жиҳатдан икки гуруҳга ажратиш мумкин. *Биринчи гуруҳга*, хориждаги тадқиқотлар кириб, Имом Термизий ҳаёти ва ижодининг дунё миқёсда кенг кўламдаги илк илмий тадқиқи Абу Али Муҳаммад Муборакфурий ва Аҳмад Муҳаммад Шокирлар томонидан бошланиб, кейинги давр олимлари томонидан давом эттирилди³. Яна бир гуруҳ олимлар Муҳаммад Ҳаким Термизий ҳаёти ва ижодини ўрганишга алоҳида йўналиш сифатида аҳамият берганлар⁴. Ушбу

³ Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра Термизий. Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ ва ҳува сунаан ат-Термизий. Аҳмад Муҳаммад Шокир тадқиқи. – Миср: Мустафо ал-бобий ал-ҳалабий ва авладуҳу, 1398/1978. V; Абу Али Муҳаммад ибн Абдурахмон ибн Абдурахим Муборакфурий. Тухфату-л-аҳвазий шарҳи жомеъ ат-Термизий. – Байрут: Дор ал-фикр, 1399/1979. X; Robson J. The Transmission of Tirmidhi's "Jāmi'"// Bulletin of the School of Oriental and African Studies, University of London, Vol.16, No. 2. 1954, – pp. 258-270; Ақрам Зиё Умарий. Турос ат-Термизий ал-илмий. – Мадина: Мактабату-д-дор, 1412/1992; Нуриддин Иттр ибн Муҳаммад Иттр. Ал-Имом ат-Термизий ва-л-мувозанату байна жомеъиҳи ва байнас-с-саҳиҳайн. – Қоҳира: Лажнату-т-таълиф ва-т-таржима ва-н-нашр, 1390/1970; Hoosen A.K. Imam Tirmidhi's contribution towards Hadith. Newcastle, 1990. 75 p.; Абдулфаттоҳ Абу Гудда. Таҳқиқ исм ас-саҳиҳайн ва исм жомеъ ат-Термизий. – Ҳалаб: Мактаб ал-матбуъат ал-исламийя, 1414/1993; Юсуф ибн Муҳаммад Дахил. Суъалат ат-Термизий ли-л-Бухорий ҳавла аҳадис фий жамий ат-Термизий. – Мадина: Жамийату-л-исламийя, 1423/2003; Адоб Маҳмуд Ҳамш. Ал-Имом ат-Термизий ва манҳажуҳу фий китабиҳи ал-жамий. Уммон: Дор ал-фатҳ, 1423/2003; Mohd Saa'ufi bin Ibrahim. Analisis pendirian al-Bukhariy dalam kitab sunan al-Tirmidhi. Universiti sains Malaysia. 2016. 481 p.

⁴ Абдулмуҳсин Ҳусайний. Ал-Маърифат инда ал-Ҳаким ат-Термизий. – Қоҳира: Дор ал-котиб ал-арабий, 1950; Абдулфаттоҳ Абдуллоҳ Барака. Ал-Ҳаким ат-Термизий ва назорийятуҳу фи-л-валоя. – Қоҳира: Мажмаъ ал-буҳус би-л-азҳар, 1971. II; Аҳмад Абдурахим Сойих. Сулук инда ал-Ҳаким ат-Термизий ва масодируҳу мина-с-сунна. – Қоҳира: Дор ас-салом, 1408/1988; Важиҳ Аҳмад Абдуллоҳ. Ал-Ҳаким ат-Термизий ва иттижаҳат аз-завқийя. – Искандарийя: Дор ал-маърифату-л-жамийийя, 1989; Muhammad Ibraheem al-Geyoushi. Al-Hakim al-Tirmidhi: his works and thoughts. The islamic quarterly. XIV. – London, 1970; The influence of al-Tirmidhi on sufi thought // The islamic quarterly. Volume XX, XXI s XXII (Number 3), september, 1978, London; Massignon L. Essay on the origins of the technical language of islamic mysticism (translated from the french with an introduction by Benjamin Clark). – University of Notre Dame Press, Notre Dame, Indiana, 1997. - 312 p.; Heer N. Some biografical and bibliografical notes on al-Hakim al-Tirmidhi. The world of Islam. Studies in honour of Philip K. Hitti. – London. 1959. Pp. 182-205; Radtke B. Al-Hakim at-Tirmidhi. Ein islamischer Theosoph des 3/9. – Freiburg: Klaus Schwarz Verlag, 1980. - 192 p.; Радтке Б. Теологи и мистики в Хорасане и Трансоксаниии // Суфизм в Центр. Азии (зарубежные исследования). Сост. и отв. ред. А.А. Хисматулин. – СПб, 2001. – С. 41-76; Çift S. Nakim Tirmizi ve tasavvuf anlayişi. – Istanbul: İnsan

изланишлар доирасида муҳим илмий натижаларга эришилган бўлса-да, олимлар ижодининг серкирралиги туфайли иккала соҳа тадқиқи ҳам доимий тарзда янгилашиб бормоқда.

Термизий алломалар ҳаёти ва маънавий меросини ўрганиш юртимизда Ўзбекистон истиқлоли арафасида бошланди. *Иккинчи гуруҳни* ташкил этган мазкур изланишлар доирасида асосий эътибор Саййид Маҳмуд Тарозий, Абдуғани Абдулло, У.Уватов, И.Усмонов, Ж.Ҳамроқулов, Р.Абдуллаев, Ж.Чўтматов ва бошқалар томонидан бу ҳудуддан етишиб чиққан икки машҳур шахс – Абу Исо Термизий⁵ ва Муҳаммад Ҳаким Термизийларга⁶ қаратилди. Термизийлар меросини яхлит тарзда умумлаштириш йўналишида Сурхон воҳаси зиёлилари изланишлари алоҳида эътиборга лойиқ. Булар орасида турли соҳа вакилларининг публицистик мазмунга эга ишлари қаторида⁷, Термиз шаҳрининг 2500 йиллик юбилеи муносабати билан Ж.Мирзаев, С.Азимовларнинг «Термиз тарихи» номли асарларида, уларнинг бошқа ишларида, С.Турсунов, Б.Муртазоевлар изланишларида Термизнинг маданий-маънавий муҳити, хусусан, Термиз саййидлари хонадони тарихи, термизийлар фаолиятининг аҳамияти борасида муҳим маълумотлар берилди⁸.

ya'inlari. 2008. - 429 s.; Palmer A. The Social and Theoretical Dimensions of Sainthood in Early Islam: Al-Tirmidhi's Gnostology and the Foundations of Sūfī Social Praxis, Doctor of Philosophy (Near Eastern Studies). The University of Michigan. 2015. - 361 p.

⁵ Абу Исо Термизий. Саҳиҳи Термизий. Танланган ҳадислар. Абдуғани Абдулло таржимаси. – Тошкент: Фафур Гулом, 1993. - 208 б.; Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий. Сунани Термизий. Тарж. Мирзо Кенжабек. – Тошкент: Адолат, 1999. I жилд. - 688 б.; «Сунани Термизий»нинг 2-жилди ҳам ушбу таржимон муаллифлигида «Никох китоби»гача таржима қилинди: – Тошкент: Movarounnahr, 2017. - 448 б.; Абу Исо Термизий. Шамоилу Муҳаммадийя. Тарж. Саййид Маҳмуд Тарозий. – Тошкент: Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлар диний идораси бошқармаси, 1411/1990. - 75 б.; Шу асар: Аш-Шамоил ан-Набавийя. Табдил муаллифи У. Уватов. – Тошкент: Чўлпон, 1993. - 112 б.; Абу Исо Термизий. Китобул илал. Тарж. Ж. Чўтматов. – Тошкент: Movarounnahr, 2017. - 90 б.; Уватов У. Икки буюк донишманд. – Тошкент: Шарк, 2005. – Б. 6-39.; Ҳамроқулов Ж. Имом Абу Исо Муҳаммад Термизий. – Тошкент: Movarounnahr, 2017. - 218 б.; Муҳаддис ва фақиҳ аллома. Мусанниф Одилхон қори Юнусхон ўғли. Тошкент: Movarounnahr, 2017. - 96 б.; Доктор Тоҳир Азҳар Ҳазирий. Имом Термизийнинг «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» асарига кириш. Тарж. С.Сиддиқов, Ж. Шодиев, У. Мирсодиқов. – Тошкент: Movarounnahr, 2017. - 136 б.

⁶ Шайх Абдуғани Абдулло. Ал-Ҳаким ат-Термизий // Совет Шарқи мусулмонлари. Тошкент, 1990. №4. – Б. 14-17; Ж.Мирзаев. Ҳаким ат-Термизий маърифати // Халқ таълими. Тошкент: 2000, №3. – Б. 49-50; Омонтурдиев Ж. Ал-Ҳаким ат-Термизий таълимоти. – Тошкент: Университет, 2000. - 95 б.; Уватов У. Ал-Ҳаким ат-Термизий (ҳаёти ва мероси). – Тошкент: Маънавият, 2001. - 40 б.; Шу муаллиф. Икки буюк донишманд. – Тошкент: Шарк, 2005. 40-82 б.; Холмўминов Ж. Тасаввуф ва ирфон дар Ўзбекистон // Симо-йе фарҳанги-йе Ўзбекистон. – Тейхрон: Ал-Худо, 1384/2005. 140-146 б.; Ж. Мирзо. Муҳаммад Ҳаким Термизий: ҳаёти ва ижоди. – Тошкент: San'at jurnali, 2007. - 40 б.; Чориев З., Аннаев Т., Муртазаев Б., Аннаев Ж. Ал-Ҳаким ат-Термизий. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. - 150 б.; Усмонов И. «Наводир ул-усул» ҳикматлари. – Тошкент: Фан, 2009. - 175 б.; Абдуллаев Р. Ҳаким ат-Термизий: ҳаёти ва илмий меросининг ўрганилиши. – Тошкент: Yangi nashr, 2015. - 40 б.; Таржималар: Бадв уш-шаън Абу Абдуллох. Форс тилидан Р. Абдуллаев таржимаси // Мозийдан садо. Тошкент, 2002. №2. – Б. 16-17; Бадв уш-шаън Абу Абдуллох. Тарж. Р. Абдуллаев. // Сино. Тошкент, 2002. №7. – Б. 32-36; Манозил ул-ибод мин ал-ибода. Тарж. А. Шоший. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2003. - 60 б.; Нодир масалалар. Тарж. И. Усмонов. – Тошкент: Movarounnahr, 2007. - 88 б.; Ҳаким Термизий асарларидан сайланма. Тарж. И. Усмонов. – Тошкент: Movarounnahr, 2017. - 187 б.; Ҳаж ва унинг сирлари. Тарж. Ж. Ҳамроқулов. – Тошкент: Movarounnahr, 2015. - 256 б.; Ақл ва ҳаво. Тарж. Ж. Чўтматов // Турсунов С., Муртазоев Б. Термизийлар илмий тафаккури. – Тошкент: O'zbekiston, 2016. 117-148 б.; Муҳаммад Ҳаким Термизий рисоалари: Будувву шаън Абу Абдуллох Муҳаммад ал-Ҳаким ат-Термизий. Адабун нафс. Риёзатун нафс. Баёнул касб. Тарж. Ж. Чўтматов. – Тошкент: Movarounnahr, 2017. - 440 б.; Маърифатул асрор. Тарж. А. Турсун. – Тошкент: Movarounnahr, 2017. - 94 б.

⁷ Парда Н., Темур А. Термиз ота. – Термиз, 1990. - 60 б.; Сафаров Ш. Термиз ва Термизийлар. – Термиз: Жайхун, 1993. - 126 б.

⁸ Азимов М. Термиз тарихи. – Қарши: Насаф, 2001. - 110 б.; Жалолиддин Мирзо. Термиз тарихи. – Тошкент: Шарк, 2001. - 127 б.; Мирзаев Дж.З. Термез – первый мусульманский город Мавараннахра // Uzbekistan's contribution to the development of Islamic civilization. Abstracts of the papers and addresses to the International

Термизийлар мавзусида М. Кенжабекнинг «Термиз тазкираси» китоби⁹ ҳам диққатга сазовор. Китоб айрим асл манбалардан фойдаланилиб, улардан муҳим таржималар амалга оширилганлиги билан муҳим. 2017 йилда Ж.Чўтматовнинг «Термизнинг безавол қалъалари ёхуд Термиз тарихи» монографияси чоп этилган бўлиб¹⁰, унда мавзу доирасида илк бор араб ва форс тилидаги асосий манбалар асосида Термизийлар ҳақидаги маълумотлар яхлит тарзда умумлаштирилди, Термиз маънавий муҳити тарихига оид муҳим таҳлил ва хулосалар тақдим этилди.

Умуман, мустақиллик йилларида амалга оширилган тадқиқотлар Термизнинг нафақат Мовароуннаҳрдаги илк исломий шаҳар эканлиги, балки давлатчилик ва маданият тимсолларидан бири, маънавият ва маърифатнинг муҳим маркази сифатида эътироф этишга имкон яратди. Бирок, VII-IX асрлардаги Термизнинг маданий-маънавий муҳити тарихи, унда мавжуд бўлган анъаналар, рўй берган тадрижий ўзгаришлар ва шаклланган маънавий янгиланиш аҳамияти яхлит тарзда, алоҳида олинган диссертацион тадқиқот даражасида ўрганилмади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлар режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Термиз давлат университетининг ИТ-5 «Ўзбекистон ҳудудида илк давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари»(2016-2020 йиллар) мавзусидаги тадқиқот доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади VII-IX асрлар Термиз маънавий муҳити ҳамда унинг Марказий Осиё ва ислом дунёсида тутган ўрнини ёритишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Термизнинг Хуросон ва Мовароуннаҳр тарихий географиясида ҳамда маънавий янгиланиш арафасида динлараро марказ сифатидаги ўрнини ёритиб бериш;

Мовароуннаҳрга ислом динининг кириб келиши ва ёйилишида Термиз тарихий муҳити аҳамиятини кўрсатиб бериш;

Термизда ислом дини мазҳаб ва оқимларининг юзага келишининг маънавий аҳамиятини очиб бериш;

Термизлик алломалар мактабининг шаклланиши ва уларнинг ислом оламидаги ўрнини кўрсатиб бериш;

Имом Абу Исо Термизийнинг ҳаёти ва ижодини тўла тадқиқ этиш;

Имом Абу Исо Термизий мактабининг Марказий Осиё ва бутун ислом олами илмий меросига қўшган улкан ҳиссасини очиб беришдан иборат.

Conference devoted to announcement of Tashkent as a capital of Islamic Culture for 2007 by the ISESCO. – Tashkent-Samarqand: Publishing Center oh al-Imam al-Bukhari, 2007. – С.173-175; Мирзаев Ж. Термиз – ўзбек давлатчилиги ва маданияти тимсоли сифатида // О'zbekiston tarixi. Тошкент, 2001. №4. – Б. 13-20; Мирзаев Ж. Термиз – маънавият ва маърифат маркази // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. Тошкент, 2001. №4. – Б. 67-71; Мирзаев Ж. Термиз саййидлари шажараси тарихий манба сифатида // Бактрия-Тоҳаристон қадимда ва ўрта асрларда. Сурхондарё вилоят ўлкашунослик музейининг 60 йиллигига бағишланган илмий анжуман маърузалари баёни. –Самарқанд, 1993. – Б. 70; Турсунов С., Муртазов Б., Алланов О. Термизий алломалар. – Тошкент: Yangi nashr, 2015. - 272 б.; Турсунов С., Муртазов Б. Термизийлар илмий тафаккури. – Тошкент: O'zbekiston, 2016. - 280 б.

⁹ Кенжабек М. Термиз тазкираси. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2001. - 192 б.; Шу муаллиф. Буюк Термизийлар. Термиз тазкираси. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2017. - 528 б.

¹⁰ Чўтматов Ж. Термизнинг безавол қалъалари ёхуд Термиз тарихи. –Тошкент: Yangi nashr, 2017. - 352 б.

Тадқиқотнинг объекти VII-IX асрлардаги Термиз маънавий муҳити тарихи этиб белгиланган.

Тадқиқотнинг предметини VII-IX асрлардаги Термиз маънавий муҳити хусусиятлари ва Термизийлар фаолиятининг илмий-амалий жиҳатлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда илмий тавсифлаш, қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, компонент таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- Термизда янги исломий илмий-маънавий муҳит VII аср охирида шаклланиб, VIII аср бошидан бутун ислом оламига таъсир кўрсатгани асосланди. Бу масалада Термиз эрта фатҳ (676 й) этилгани, саҳоба Абу Фотима Амр Иёдий Термизда ислом жамоасига бош бўлгани, 689 йилда Мусо ибн Абдуллоҳ Хозим Термизни эгаллаб, уни ўн беш йил халифаликдан мустақил ҳудуд ва уммавийларнинг Мовароуннаҳрдаги маркази сифатида тутиб тургани, натижада Термизда исломий муҳит эрта шаклланиб, бу ерда ўнга яқин табаъ тобеъин етишиб чиққани аниқланган;

- ханафий мазҳабининг шаклланиши, ёйилиши ва ривожда Мовароуннаҳрда Термизий алломалар муҳим ўрин тутгани, хусусан, илк даврларда Имом Аъзам Абу Ҳанифанинг дўсти Холид ибн Зиёд Термизий ва унинг ўғли Абдулазиз ибн Холид Термизийлар (Имом Аъзам шогирди) Мовароуннаҳрнинг илк ханафий қозиларидан бўлишгани, Исроил ибн Зиёд Термизий Имом Аъзам шогирди сифатида унинг *manoқибини* битгани аниқланди. Кейинчалик ҳам, Термиз ханафийлик маркази сифатида ўз ўрнини сақлаб қолганлиги асосланган;

- VII-IX асрларда Термизий нисбалари билан танилган 72 алломанинг ҳаёти ва ижодининг аҳамияти, нафақат Ўзбекистон ва Марказий Осиё, балки бутун ислом оламида муҳим ўрин тутган. Жумладан, бу олимлар исломий илмлар борасида илмий мактаблар яратишган бўлиб, шу асосда Термизда тафсир ва ҳадисшунослик, тасаввуф ва фикҳ мактаблари фаолият кўрсатганлиги аниқланган;

- Имом Термизий ҳадис илми тарихида асар яратишнинг уч услубига асос солганлиги, жумладан: 1) ҳадисларни китобнинг ўзида матн, санад ва ҳуқуқий жиҳатдан кенг таҳлил этиш, заиф ҳадисларнинг шариатдаги аҳамиятини асослаш («Ал-Жомеъ ал-кабир» мисолида); 2) муҳаддислар услубидаги пайғамбарлик сийратини битишни алоҳида йўналиш сифатида ишлаб чиқиш («Аш-Шамоил ан-набавийя» мисолида); 3) ҳадис илмининг муҳим қонун-қоида ва атамаларини ёзма шаклда чуқур илмий таҳлил этиш («Китобул илал» мисолида) каби фундаментал аҳамияти асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Абу Исо Муҳаммад Термизийнинг «*Китобул илал*» («Ҳадис илмининг нозик жиҳатлари ҳақида китоб») номли асарининг араб тилидан ўзбек тилига таржимаси кенг изоҳлар ва аллома ҳаёти, ижоди ҳақидаги муқаддима билан бирга нашр этилган бўлиб, бу Термиз илмий-маънавий муҳитининг ҳадис илми тарихида тутган ўрнини очиб берган;

Муҳаммад Ҳаким Термизийнинг «*Будувву шаън Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ал-Ҳаким ат-Термизий*» («Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ҳаким Термизий йўлининг бошланиши»), «*Адаб ан-нафс*» («Нафс одоби»), «*Риёзату-н-нафс*» («Нафс риёзати»), «*Баён ал-касб*» («Касб-тирикчилик баёни») каби рисолалари араб тилидан ўзбек тилига таржима қилиниб, бунда илгари сурилган IX аср Термиз маънавий муҳитининг тасаввуф ғоялари илмий истеъмолга киритилган;

Тадқиқот натижалари, шунингдек, олий таълим муассасаларида «Ўрта Осиёда ислом уйғониш даври маданиятининг шаклланиши» номли махсус курс материалларига жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Шарқ ва Ғарб олимларининг фундаментал илмий қарашлари ва методологиясидан фойдаланилганлиги, тарихий ва илмий жараёни баҳолашда араб ва форс тилларидаги бирламчи асл манбаларга таянилганлиги ҳамда амалий натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти, VII-IX асрларда Термизда юз берган туб ўзгаришлар, уларнинг ҳудуд маънавий муҳитига таъсирига оид маълумот ва хулосалар, бу даврни ёритувчи манбалар тизимини аниқлаш, уларнинг илмий аҳамиятини белгилаш ва кенг амалиётга киритиш, уларни махсус ўрганиш Марказий Осиёдаги илк ислом даврига оид назарий ва методологик ёндашувларни мукаммаллаштирилиши билан белгиланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти миллий ўзлигимизнинг тарихий илдизларини англаш, таълим муассасалари ва тарғибот ишларида юртимиз алломалари ва илмий мактаблари, уларнинг аҳамияти ва тарихига доир махсус курслар ва маърузалар ташкил этиш, исломий меросга оид давлат дастурларини бажариш, Ўзбекистон тарихига бағишланган дарслик ва қўлланмаларни мазмунан бойитиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. VII-IX асрлардаги Термиз маънавий муҳити тарихи таҳлили бўйича олинган натижалар асосида:

VII-IX асрларда Термизий нисбалари билан танилган 72 алломанинг Термизда тафсир ва ҳадисшунослик, тасаввуф ва фикҳ мактаблари фаолияти, уларнинг Ўзбекистон, Марказий Осиё ва бутун ислом оламидаги ўрни ҳамда Имом Термизийнинг «Ал-Жомеъ ал-кабир», «Аш-Шамоил ан-набавийя» ва «Китобул илал» асарлари аҳамиятига оид маълумотлар «Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази» томонидан китоб шаклида нашр этилиши билан ушбу Марказ амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2019 йил 24 июндаги №39-сонли маълумотномаси). Тадқиқотнинг натижалари Ўзбекистонда ҳадисшунослик илми тарихини ўрганишда Термизий алломалар ҳиссасини белгилаш ва уни бугунги кунда ривожлантиришга хизмат қилган;

Ҳанафий мазҳабининг шаклланиши, ёйилиши ва ривожда Мовароуннаҳрда Термизий алломалар муҳим ўрин тутгани ҳамда Термиз ҳанафийлик маркази сифатида ўз ўрнини сақлаб қолганлигига оид

хулосаларнинг «Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази» томонидан китоб тўплами шаклида нашр этилиши билан ушбу Марказ амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2019 йил 20 июндаги №40-сонли маълумотномаси). Тадқиқот хулосалари Ҳаким Термизий таълимотини баҳолаш, юртимиз ва ислом дунёсида Термизий олимлар мисолида дин ва тасаввуф тарихини ўрганишга хизмат қилган;

Термизда янги исломий илмий-маънавий муҳит VII аср охиридан шаклланиб, VIII аср бошидан бутун ислом оламига таъсир кўрсатгани ва Термизда етишиб чиққан ўнга яқин табаъ тобеъинларга оид хулосалардан «Сурхондарё» телеканалининг «Мозий кўзгуси» ва «O`zbekiston 24» телеканалининг «Мозий» кўрсатувларида фойдаланилган (Сурхондарё вилояти ва Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияларининг 2019 йил 20 апрелдаги 01-05/282-сонли ва 20 июлдаги 01-09/835-сонли маълумотномалари). Такдим этилган материаллар Термиз маънавий муҳити, Термизийлар ҳаёти ва ижоди тарихини янги материаллар асосида кенг жамоатчиликка тарғиб қилишга асос бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 9 та, жумладан, 6 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий конференцияларда (Россия, Тожикистон, Ўзбекистон) апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича 1 та монография, 2 та тадқиқий таржима, 2 та каталог (ҳаммуал.), 1 та изоҳли луғат (ҳаммуал.), 7 та илмий мақола, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шулардан 5 та республика ва 1 та хорижий журналларда ва илмий тўпламларда 9 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, 1 та илова, 1 та шартли атамалар рўйхатидан иборат. Ишнинг тадқиқот қисми 159 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган ҳамда муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил этилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишлари ва диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети ва усуллари аниқланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги маълум қилинган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг амалий натижалари, амалда жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилиниши ҳамда диссертациянинг тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Маънавий янгиланиш арафаси: тарихий вазият анъаналари**» деб номланган биринчи боби Термизнинг географик макон

сифатидаги тавсифи, у ерда ва, умуман, Мовароуннахрда мавжуд динлар ва уларнинг таъсир доираси, халифалик лашкарларининг Термизга кириб келиши, ҳудуднинг мусулмон географ ва тарихчилари томонидан таърифланиши масалаларига бағишланган.

Термиз Мовароуннахр ва Хуросон, умуман, Эрон ва Турон орасидаги чегара нуқтаси сифатида муҳим аҳамиятга эга. Ислом олами пайдо бўлгач, «халифалик шарқи» дейилганда Хуросондан бошланиб, Мовароуннахрнинг кенг ҳудудларида давом этиб, сўнг Хитойгача бўлган ҳудудлар тушунилади. «Халифалик ғарби» – Шимолий Африка – Миср ва шу атрофдаги исломни қабул қилган ҳудудлар ва албатта, мусулмон Испаниясидир. Халифаликнинг қалби – маркази тушунчаси ҳам бўлиб, унга Арабистон ярим ороли, Ироқ ва Шом киради. Гарчи Хуросоннинг географик чегаралари турли омиллар туфайли доимий тарзда ўзгариб турган бўлса-да, у Амударёгача бўлган ҳудудларни ўз ичига олган. Аммо сиёсий маънода Хуросонга Мовароуннахрни ҳам қўшиб юбориш Балазурий (ваф. 892), Ибн Хўрдодбех (тахм. 820-893) ва Ибн Руста (ваф. тахм. 912) кабиларнинг асарларида учрайди¹¹. Аммо бу Мовароуннахрни Хуросондан туриб бошқариш натижасида бўлган сиёсий қараш эканлигини унутмаслик лозим. Шунинг учун масалага табиий-географик нуқтаи назардан қараган Абу Зайд Балхий (849-934), Истахрий (ваф. тахм. 957), Макдисий (947-тахм.990), Ибн Ҳавқал, Ёкут Ҳамавий (1178-1229), кейинчалик Қазвиний (1208-1283) ва Қалқашондий (ваф.1418) кабилар ўз асарларида Мовароуннахрни Хуросондан Амударё билан аниқ-тиниқ ажратиб кўрсатади¹².

Кўриб турилганидек, Амударёга табиий чегара сифатида қараш кенг тарқалган. Амударёнинг Мовароуннахр қисмидаги дарё бўйидаги илк макони эса айнан Термиздир. Умуман, тадқиқотчиларга кўра, Амударё Термизга етгач, Хуросон ва Мовароуннахр ўртасини ажратиб турувчи табиий чегара вазифасини бажаради¹³. Баъзида Хуросон ва Мовароуннахр орасини ажратувчи Амударё туркий ва форсий тилли аҳолини ажратиб туриши жиҳатидан Эрон ва Турон деб аталиши ҳам кузатилади¹⁴. Дарҳақиқат, бу икки иқлим ўз луғати ва баъзи одатлари билан ҳатто ислом киргач ҳам

¹¹ Абулаббос Аҳмад ибн Яҳё ибн Жобир Балазурий. Футуҳ ал-булдон. – Байрут: Муассасату-л-маъориф, 1407/1987. – Б. 579; Абулқосим Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Хўрдодбех. Ал-Масолик ва-л-мамолик. – Лейден: Брилл, 1889. – Б. 18; Абу Али Аҳмад ибн Умар ибн Руста. Китоб ал-аълақ ан-нафиса. – Лейден: Брилл, 1891-1892. – Б. 288, 290. Аммо ушбу муаллифлар ҳам географик жиҳатдан Хуросон ва Мовароуннахр орасини ажратишган.

¹² Абдурахмон Ҳамайда. Аълум ал-жуғрофийин ал-араб ва муқоттаъот мин осорихим. – Дамашк: Дор ал-фикр, 1416/1995. – Б. 197; Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад Форисий Истахрий Кархий. Китоб масолик ал-мамолик. – Лейден: Брилл, 1870. – Б. 295; Абулқосим Муҳаммад ибн Ҳавқал Бағдодий Мўсилиий. Китоб ал-масолик ва-л-мамолик. – Лейден: Брилл, 1873. – Б. 347-348; Шамсиддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Бакр Банно Башшорий Макдисий. Аҳсан ат-тақосим фий маърифати-л-ақолим. – Қоҳира: Мактабату-л-мадбулий, 1411/1991. – Б. 360; Шихобиддин Абу Абдуллоҳ Ёкут ибн Абдуллоҳ Румий Ҳамавий. Мўъжам ал-булдон. V. V, – Б. 45; Закариё ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд Қазвиний. Осор ал-билод ва ахбор ал-ибод. – Байрут: Дору содир, 1960. – Б. 369; Шихобиддин Абулаббос Аҳмад ибн Али ибн Аҳмад Фазорий Қалқашондий Қоҳирий. Субҳ ал-аъша фий синовати-л-инша. XIV. – Дамашк: Дор ал-фикр, 1987. IV. – Б. 388.

¹³ Абдурахмон Фарих Афнон. Ал-Қобаил ал-арабийя фий Хуросон ва билад Мовароуннахр фи-л-асри-л-амавий. – Макка: Жомияту-л-умм ал-қуро, 1413/1993. – Б. 19-20; Маҳмуд Шийт. Қодату-л-фатҳ ал-исломий фий билад Мовароуннахр. – Байрут-Жидда: Дору Ибн Ҳазм – Дор ал-андалус ал-хазро, 1418/1998. – Б. 64.

¹⁴ Афнон. Ал-Қобаил ал-арабийя фий Хуросон ва билад Мовароуннахр... – Б. 25.

ажралиб туришди¹⁵. Масалан, Гардизийга (ваф. 1051) кўра, Туронга қарши курашган Исфандиёр чегара таянч нуқтаси сифатида Балх қалъасини қурдиради¹⁶. Муҳаммад ибн Аҳмад Хоразмий (ваф. 993) ҳам дейди: «Форслар Жайхун дарёси (нариги тарафи – Ж.Ч.) эгасини «Марзи Турон», яъни, Турон чегараси, деб аташар эди»¹⁷. Мана шундай муҳим кесишув нуқтасида жойлашгани туфайли Термиз кўплаб дин ва эътиқодлар учун ҳам табиий, ҳам зарурий майдон бўлган.

Милодий I асрдан Ислом дини кириб келишигача Марказий Осиё жаҳонда кенг тарқалган динлар – зардуштийлик, буддавийлик, насронийлик ва монийлик дин ва эътиқодлари учун кураш майдони бўлди.

Улардан бири монийлик асосчиси Моний Ҳинд, Чин ва Хуросон (≈ Мовароуннахр)ни даъват этган ва у ерларнинг ҳар бирида ўз издошларини қолдирган. Ибн Надимга (ваф. 438/1047) кўра, монийлик Мовароуннахрга суманийлар (буддавийлик йўналиши)дан кейин кириб келган энг аввалги диндир (тадқиқотчилар буни III ёки IV аср деб белгилашади). Моний вафотидан сўнг қувғинган учраган унинг сафдошлари ҳам Балх (Аму) дарёсидан ўтиб, турклар ҳукмдори лақаби бўлган хон юртига киришади ва у ерда яшашади. Уларнинг Самарқанддаги фаолияти ҳақида маълумотлар бор¹⁸. VIII аср бошларида монийлар етакчисининг Тохаристонда қароргоҳи бўлгани маълум. Хитой манбаларига кўра эса, 719 йилда Чағониён ҳокими Хитой императорига элчи сифатида «мо-шо» - «буюк муаллим» унвонидаги астрономия ва «барча нарсани биладиган» кишини жўнатган. «Мо-шо» ёки «Мо-жо» эса моний тарғиботчи муаллимини билдиради¹⁹.

Термизнинг шаҳар ташқарисидаги қисмида насронийлик ибодатхонаси қолдиқлари ўрганилган бўлиб, у XIII аср охиригича фаолият юритган бўлиши мумкин²⁰. Аммо археолог Т.Аннаев фикрича, тахминан X асрда қурилган ибодатхона Термизда насронийликнинг кенг тарқалганини билдирмайди. Шаҳар ташқарисида қурилган бу иншоот савдо алоқалари юзага келтирган заруратдан келиб чиқиб, шаҳардан ўтган йўловчиларнинг эҳтиёжлари туфайли барпо қилинган. Аммо манбалар таҳлили кўрсатишича, насронийлик Марказий Осиёда етакчи мавқега эга бўлмаган²¹.

Марказий Осиёнинг шаҳарлари орасида Термизда турли диний қарашлар кесишган нуқта сифатида эътиқод хилма-хиллиги шаклланган. Сюань Цзан (629-630) маълумотларига кўра, Термизда буддавийликнинг 10

¹⁵ Эҳсон Зуннун Сомирий. Ал-Ҳайату-л-илмийя фий замани-с-саманийин. Ат-Тарих ас-сақофий ли-Хуросон ва билад Мовароуннахр фи-л-корнайни-с-салис ва-р-робий ли-л-ҳижра. – Байрут: Дор ат-толийъа, 2001. – Б. 22.

¹⁶ Абу Саъид Абдулхай ибн Заҳҳок ибн Маҳмуд Гардизий. Зайн ал-ахбор. Форсчадан арабчага Аффон Саййид Зайдон таржимаси. – Қоҳира: Ал-Мажлис ал-аъло ли-с-сақофа, 2006. – Б. 57, 60, 61.

¹⁷ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф Котиб Хоразмий. Мафатийҳ ал-улум. – Байрут: Дор ал-манаҳил, 1428/2008. – Б. 113.

¹⁸ Абулфароҳ Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Муҳаммад Варроқ Бағдодий Мўътазиллий Шийъий Ибн Надим. Ал-Фихрист. – Байрут: Дор ал-маърифат, 1417/1997. 30-31, 398 ва кейинги бетлар.

¹⁹ Беленицкий А. М. Вопросы идеологии и культов Согда. По материалам Пянджинкетских храмов // Живопись древнего Пянджикента. Сборник. – Москва: Наука, 1954. – С. 39-52.

²⁰ Альбаум Л. Христианский храм в старом Термезе // Из истории древних культов Средней Азии. Христианство. Сост. Л.И. Жукова. Науч. ред.: Г.А.Пугаченкова, Ю.Ф.Буряков. – Ташкент: Главная редакция энциклопедий, 1994. – С. 34-41.

²¹ Батафсил «Из истории древних культов Средней Азии. Христианство» номли тўпламга қаранг.

тача ибодатхонаси ва мингтача роҳиби бўлган²². Шунингдек, 726 йил Тохаристонга келган хитойлик зиёратчи Хой Чао бу ерларда подшо, зодагонлар ва халқ буддавийликнинг хинояна йўналишида эканлиги, роҳиб ва ибодатхоналарнинг кўплиги ҳақида ёзган²³. Ибн Надимга кўра, у бир хуросонликнинг ёзувларида қадимги Хуросон хабарларига тегишли дастурга ўхшаш китобни ўқиган. Унга кўра, суманийлар пайғамбари Будосиф бўлиб, исломдан олдин ва қадимги даврларда Мовароуннаҳрнинг аксар аҳолиси шу эътиқодда бўлган²⁴.

Бундан ташқари «Термиз короластикасига ҳайкалча тарзидаги, кўпинча эса тахтадаги босма ҳайкалча тарзидаги аёллар образи хосдир. Мавжуд намуналарда буддавий санъатдан нишон ҳам йўқ. Бу бошқа дин билан боғлиқ образ эканлиги аниқ. Уни бу ерда азалдан эътиқод қилиб келинган зардуштийлик дини маъбудаси Анахита деб тахмин қилинади. Унга айниқса, аёллар орасида эътиқод кучли эди»²⁵.

Умуман, Марказий Осиёнинг исломгача бўлган эътиқод ва динлари ҳақида адабиётлар кенг кўламли бўлса-да, Марказий Осиё тарихшунослигида тўла-тўқис ушбу масалага бағишланган махсус тадқиқотлар етарли эмас²⁶. Аммо минтақада диний хилма-хиллик мавжуд бўлгани эътироф этилувчи ҳолат бўлиб, бу турличалик ислом кириб келгачгина барҳам топа бошлади. Шу тарзда бутун минтақа тарихида ўзига хос янги давр бошланди.

Аввало, Термизнинг Мовароуннаҳр ҳудудидаги илк исломий шаҳар бўлганлиги биринчи навбатда унинг тарихий-географик ўрни билан боғлиқ. Муслмонларнинг Амударё ортидан кириб келиши натижасида манбаларда Амударёдан биринчи бор ўтган ва намоз адо этган шахсни алоҳида эътибор билан белгилаш ҳодисаси мавжуд. Бу мартабага уч шахс даъвогарлик қилган: 665 йилда Хуросон волийси этиб тайинланган саҳоба Ҳакам ибн Амр Гифорий (ваф. 670), 676 йилда Хуросон волийси бўлган Саъид ибн Усмон ибн Аффон (ваф. тахм. 682), 674 санада Хуросон волийси бўлган Убайдуллоҳ ибн Зиёд (648-686). Манбаларга кўра, Термиз 676 йилда Саъид ибн Усмон ибн Аффон тарафидан сулҳ йўли билан фатҳ этилган²⁷. 689 йилда эса Хуросон волийси Абдуллоҳ ибн Хозимнинг ўғли Мусо ибн Абдуллоҳ ибн Хозим Термизни эгаллаб, уни ўн беш йил давомида халифаликдан мустақил идора

²² Сюань-цзан. Записки о западных странах [эпохи] Великой Тан (Да Тан си юй цзи). Введ., пер. и коммент. Н.В. Александровой. Ин-т востоковедения РАН. – Москва: Восточная литература, 2012. – С. 44. Бартольднинг Жюльен таржимасига ҳавола бериб келтиришича, монастырлар сони 12 та. Қаранг: Бартольд В.В. Сочинения. Работы по исторической географии. – Москва: Наука, 1965. Т. III. – С. 504. Мкртычев Т. Буддийское искусство Средней Азии (I-X вв.). – Москва: ИКЦ «Академкнига», 2002. – С. 25.

²³ Бернштам А.Н. Тюрки и Средняя Азия в описании Хой Чао (726) // Вестник древней истории. Москва, 1952. №1 (39). – С. 187-195.

²⁴ Ибн Надим. Ал-Фихрист. – Б. 479.

²⁵ Пугаченкова Г. Бадий маданият мероси // Термиз. Буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар. Тошкент: Шарк, 2001. – Б. 55.

²⁶ Беленицкий А. М. Вопросы идеологии и культов Согда. По материалам Пянджикентских храмов // Живопись древнего Пянджикента. – С. 27-82.

²⁷ Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир Табарий. Тарих ал-умам ва-л-мулк. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1407/1986. V. III. – Б. 243, 250; Балазурий. Футуҳ ал-булдон. – Б. 579. Иззиддин Абулҳасан Али ибн Абулқарам Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдулқарим ибн Абдулвоҳид Шайбоний Ибн Асийр Жазарий. Ал-Комил фи-т-тарих. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1407/1987. XI. III. – Б. 356.

этган²⁸. Заҳабий (1274-1348) ҳам Мусонинг Термиз ва Мовароуннаҳрга йиллар давомида ҳукмронлик қилганини айтади²⁹. Ушбу вақтда Мусо ибн Абдуллоҳ ибн Хозим ва унинг иттифоқдошлари Мовароуннаҳрдан уммавийларнинг волийларини қувиб, бу жойларни Термиздан туриб бошқара бошлашади ва бу ер уммавийларнинг Мовароуннаҳрдаги ерлари марказига айланади. Манба тили билан айтганда: «Мовароуннаҳр Мусоники бўлиб, у ерда ундан ҳеч ким устун келмади». «Моллар уларга кела бошлади ҳамда уларнинг ва Мусонинг иши қувватланди»³⁰. Буни Термиз маънавий муҳитидаги туб бурилишлардан бири сифатида баҳолаш мумкин.

VII-IX асрлардаги Термиз ҳақидаги ёзма маълумотларни эса араб тилида китоб ёзган мусулмон географлари асарларидан ҳам олиш мумкин. Уларда Термизнинг Сарминжон, Куфтон, Ҳошимгирд, Шайшақ, Буғ, Рухшабуз, Хушвара каби ноҳиялари ҳақида маълумот бор. Ўрта асрларда «Термиз» нафақат шаҳар, балки вилоят номини ҳам билдирган. Ибн Хўрдобехга (820-тахм.893) кўра, «Ат-Термиз» харожи қирқ етти минг юз (47.100), «Термиз»га тегишли харожи эса икки минг (2000) дирҳамдир³¹. «Вилояти Тирмиз» (Термиз вилояти) жумласини Адиб Собир Термизий (тахм. 1078-1147) ҳам ишлатган³². Тарихий манбалардаги «Ат-Термиз»нинг вилоят сифатидаги ҳудуди ҳозирги Термиз, Ангор, Музработ, Жаркўрғон ва Дарбандгача бўлган Шеробод ҳудудига тўғри келади³³. Юқоридаги муҳим жараёнлар оқибатида Термиз ҳудудида янги дин – ислом қарор топа бошлади.

«Маънавий муҳит тадрижи ва янгиланиш жараёнлари» деб номланган иккинчи бобда Термиз маънавий муҳитидаги ўзгаришларнинг дастлабки жараёнлари ва ҳудудда ислом динининг ёйилиш хусусиятлари акс этган. Ибн Ҳиббон (ваф. 354/965) маълумотига кўра, саҳобалиги айтилган Абу Фотима Амр Йёдий ислом ёйилиши даврида Термизда бир неча ой давомида одамларга имом бўлиб, жамоат намозини адо этган³⁴.

Илк маънавий янгиланиш жараёнларини ўрганишда Абу Муҳриз Жаҳм ибн Сафвон Росибий (мавл) (ваф. 745) фаолияти муҳим ўрин тутди. У манбаларда яшаш ва келиб чиқиш масаласида Термиз, Самарқанд, Балх ва Кўфа шаҳарларига нисбат берилган. У ҳам эътиқодий, ҳам сиёсий жиҳатдан салбий фаолият олиб борган. Эътиқодда у соғлом ислом ақидасига зид қарашларни тарғиб этган. Фаолиятда эса уммавийларга қарши курашган ва кўплаб жанглар олиб борган Ҳорис ибн Сурайж тарафдори бўлган. Яқунда ҳам Жаҳм ушбу ишлар оқибатининг қурбони бўлган. Мақдисий Термиз аҳолисининг кўпчилиги жаҳмий бўлганлиги борасида хабар беради³⁵. Шаҳристоний (1086-1153) Жаҳм ибн Савфон ҳақида «Унинг бидъати

²⁸ Табарий. Тарих... VI. – Б. 398-412.

²⁹ Заҳабий. Тарих ал-ислом. VI, 24 б.

³⁰ Табарий. Тарих... VI. – Б. 403, 409.

³¹ Ибн Хўрдобех. Ал-Масолик ва-л-мамолик. – Б. 33, 36-37, 39.

³² Абдуллаев А. Адиб Собир Термизий. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – Б. 11.

³³ Камалиддинов Ш. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX-начала XII вв. – Ташкент: Узбекистан, 1996. С. 114.

³⁴ Абу Ҳотим Муҳаммад ибн Ҳиббон ибн Аҳмад Тамимий Бустий. Ас-Сикот. – Байрут: Дор ал-фикр, 1395/1975. IX. III. – Б. 277.

³⁵ Мақдисий. Аҳсан ат-тақосим. – Б. 323.

Термизда зоҳир бўлди» дейди³⁶. Аммо бу борада мулоҳаза юритишда шошилмаслик лозим бўлади. Чунки манбалар ва воқелик Жаҳмнинг қарашлари Термизда кенг ёйилмаганини кўрсатади. Тадқиқотимиз давомида ўрганиб чиқилган Термиздан етишиб чиққан юзлаб олимлар орасида жаҳмийлик билан машҳур бўлган бирор шахс йўқ. Хусусан, Муҳаммад Ҳаким Термизий жаҳмийликни танқид қилган³⁷. Аллоҳ сифатларини инкор этиш нуқтаи назаридан жаҳмийликни «муаттила» (сифатларни амалдан қолдирувчи) деб ҳам номланган ва бу борада Ҳаким Термизий «Ар-Рад аъла-л-муаттила» (Муаттилага раддия) асарини битган, шунингдек, бу мавзуга бошқа ўринларда ҳам тўхталган³⁸. Илк Термизийлардан саналган ҳамда Термиз қозилари бўлишган Холид ибн Зиёд Термизий ва унинг ўғли Абдулазиз ибн Холид Термизий жаҳмийликка қарши мавқеда бўлишган. Холид ибн Зиёд Жаҳм фитнасини тинч йўл билан бостириш масаласида халифа Язид (705-744) ҳузурига элчи бўлиб борган бўлса³⁹, унинг ўғли Абдулазиз Балхдаги жаҳмийликка мансуб қози Ҳасан ибн Муҳаммад Аъмаш тазйиқи билан маълум муддат сургунга учраб, сўнг Термизга қайтган⁴⁰.

Аммо манбаларда Жаҳм ибн Сафвоннинг Термизда буддавийликка нисбат берилувчи суманийлар билан тортишуви матни келтириладики, бу маънавий янгиланиш жараёнининг жонли кўринишидир. Бу баҳс модда, руҳ ва илоҳ атрофида айланиб, яқунда гўёки Жаҳмнинг ғалабаси билан тугайди⁴¹. Қолаверса, Жаҳм Термизда ўз мунозараларини масжидда ҳам олиб борган⁴² ва бу Термизда 745 йилгача масжидлар бўлганлигини кўрсатади. Бу эса маънавий янгиланишнинг жиддий босқичидир.

Асосийси, Термизда илк даврларданок Имом Аъзам Абу Ҳанифа издошлари етакчилик қилган. Имом Аъзам Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собитнинг (699-767) келиб чиқиши ва туғилган жойи бўйича манбаларда қуйидаги қарашлар мавжуд: Қобул, Бобил аҳлидан, набатий, отаси Насадан, асли Термиздан, отаси Анбор аҳлидан⁴³. Албатта, Қобул қарашини асослироқ санаш мумкин бўлса-да, Имом Аъзам ва унинг аждодлари ҳаётида

